



Қозоқдарёда замонавий чорвачилик мажмуалари ишга туширилади



Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани «Қозоқдарё» овул фуқаролар йиғини ҳудудида ҳар бири 200 бош молга мўлжалланган иккита замонавий чорвачилик мажмуаси барпо этилмоқда.

«Мўйноқ келажаги бунёдкорлари» МЧЖга қарашли чорвачилик мажмуасига яқин кунларда Европа давлатларидан 400 бош зотдор мол олиб келинади. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг амалий кўмаги билан бунёд этилаётган мажмуаларга «Қозоқдарё» ОФЙ ҳудудидан 1660 гектар экин майдони ажратилди. Бу ерга маккажўхори, кунгабоқар, беда каби озуқабоп экинлар экилди. 40 йигит-қиз иш билан таъминланди.



– Замонавий чорвачилик мажмуалари қаровсиз қолган чорва фермаси негизида қайта таъмирланиб, барпо этилмоқда, – дейди маслаҳатчи агроном Ўроқбой Ешмуратов. – Аҳолини арзон ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга мўлжалланган мажмуалар сентябрь ойигача ишга туширилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, тумандаги «Ҳоким ота» овул фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам замонавий чорвачилик мажмуаси қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Бу ерга хориждан 100 бош зотдор мол олиб келинади.

Image not found or type unknown



1 887

Довуд АБИБУЛЛАЕВ, Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (сурат), ЎзА